

# ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

# ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАҢНАВИЙ - МАЪРИФИЙ, ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

2  
2021

*FALSAFA va HUQUQ*  
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО  
*PHILOSOPHY and LAW*

## ГУМАНИЗМ ҒОЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Шарипов А.З.**

*БухДУ доценти, ф.ф.н.*

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётнинг юксак босқичига эришишни ўз олдига устувор вазифа қилиб қўйди. Бу мақсадга эришиш жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, очик демократик жамият қуриш, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик руҳини кенг қарор топтириш лозимлигини талаб этади. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мағкуравий фаолиятни, унинг ўзак ғояларини, таркибий қисми ва профилактикашларни буғунги кунда дунё мағкуравий майдонида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқхолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгусида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган ғоят мураккаб муаммолар, глобал ҳавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё ахолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда фуқаролик жамияти институтларини масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун хаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар илм-фан, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш, ғоявий саводхонликни ошириш ва мағкуравий хуружларга қарши “жаҳолатга қарши - маърифат” тамойили орқали курашиш давлат сиёсатининг устувор йуналишига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб, миллатчилик, диний бағрикенгликка муросасиз муносабат шаклланмоқда. Бу ёвузыллар, хуружлар мамлакатни яксон қилиб, жамиятни парчалаб, радикал гурух ва оқимлар учун мағкура базаларига айлантирилмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз ўз тараққиёти давомида терроризм, экстремизм ва радиқализм мағкурасига қарши кураш борасида доимо аниқ позицияга эга бўлиб келмоқда. Бундай ҳавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуслари билан эмас, ёшлар ўртасида зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши – маърифат билан курашиш лозим. Асосий мақсад – ёшларнинг тенг ҳуқуқли ва юқори сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг иқтидори, қобилияти ва истеъодини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар ва шартшароитларни яратиб беришдан иборат. Жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотга интилишини рағбатлантириш барқарор ва изчил тараққиётга эришиш омилидир. Халқаро ҳамкорлик, таълимга эътибор, кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мағкуравий фаолиятни тўғри ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга:

биринчидан, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мағкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш;

иккинчидан, ислом динини сиёсийлаштириш ва мусулмон ёшларни радиқаллаштириш борасидаги уринишларни ўта жиддий таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга муносиб жавоб бериш;

учинчидан, барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялаш;

тўртингчидан, халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чукур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиқкан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро микёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга кўйиш;

бешинчидан, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга карши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш.

Фашизм мисолидаги аччик тажриба ғоя ва мафкура инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларини, халқ тақдиридаги юксалиш заруратини, умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлишини яққол кўрсатади.

Бугун юртимизда қайта баралла айтилаётган, уни тараққиётимизнинг ажралмас бўлаги сифатида қайд этилаётган, жамият танаси сифатида эътироф этилаётган миллий ғоя мамлакатимизда бирон-бир мафкуранинг мутлаклашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўлкўймайди. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани мафкуравий бекарорликни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алмашиб туриши жараёнинизоҳлашучун ҳам қўлланилади. Мафкуравий бекарорлик асосанмуайян бир худудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, мафкуравий бекарорликни муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат деб ҳам аташ мумкин. Жамиятнинг янгиланиш босқичларида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юзтубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва мафкуравий бекарорлик ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтарадилар. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиёtsизликка йўл кўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Бундай бекарорлик ижтимоий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун “Бу йўналишда ҳар куни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. .... Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!” – дея қатъий таъкидладилар Президентимиз Ш.М.Мирзиёв.

Инсон, ижтимоий гурӯҳ, миллат, жамият дунёкарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён – мафкуравий тарбиядир. Жамият ҳалқҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва заарали ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга кўйишни, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бирини ташкил этувчи гуманизм тушунчасини таҳлил қиласиз, аввало унинг инсонийлик, инсонпарварлик, инсон ҳақида ғамхўрлик маъноларини англатишига эътибор қаратишимиз лозим. Инсонниҳимоя қилишга, унинг ҳуқуқларига кафиллик беришни мақсад қилган гуманизм ғоялари ўз мазмун-моҳиятига кўра инсонни инсон қиласиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган ахлоқий фазилатлар ва ҳатти-харакатларидан иборатдир. Ҳозирги инновацион ривожланиш, бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг қадр-қиммати масаласи долзарб мавзуга айланниб бормоқда. Чунки жамият ҳаётидаги кескин ўзгаришларга ҳар ким ҳам мослашавермайди. Бу эса ўз навбатида

жамиятда кўпгина муаммолар юзага келишига замин яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирда ҳар бир инсоннинг ҳаётий фаолиятини эзгу мақсадлар сари йўналтириш нафакат мамлакатимиз миқёсида балки, жаҳон ҳамжамияти доирасида ечилиши лозимбўлган долзарб муаммолардан бири сифатида қайд этилмоқда. Таракқиёт жараённида инсонпарвар ғоялардан самараали фойдаланишнада барқарор аҳамият касб этади. Ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида илгари сурилган турли хил гуманистик ёндашувлар ўзининг маълум бир мақсад ва муддаоларига бўлган.

Инсонийлик – шахсни улуғлайдиган фазилатни, ҳаётга одамзод тақдирига гуманистик муносабатни англатадиган тушунча сифатида узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ёрқин ифодаси бўлган моддий ва номоддий маданий меросида асрлар давомида яшаб келмоқда. Унинг амалий ифодаси сифатидаги инсонпарварлик, гуманизм одамларга меҳр-мухабbat билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқарашдир. Инсонпарварликнинг мақсади инсон ҳаётида ўз салоҳиятини тўла намоён қилиб, жамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлиш учун максимал шароит яратиш ҳамда бунга тўсқинлик қилувчи ғояларнинг пуч эканлигини фош қилиш, ғов булавчи омилларни бартараф этишдир.

Янги Ўзбекистон тараққиётида барча соҳаларда биринчи навбатда инсон ва инсонпарварликнинг юксак мезони ва талаблари асосида сиёsat олиб борилмоқда. Юртимиздаги туб ислоҳотлар аввало, инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани, халқимиз маънавиятига, миллий қадрият ва анъаналаримиз ривожига берилаётган эътибор, бу соҳадаги кенг кўламли ишлар инсонпарварликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Жамият ҳаётининг инсонпарварлашуви инсон қобилиятини намоён этишга ва унинг турли-туман эҳтиёжларини қондирилишига, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувига қаратилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мафкуравий жараёнлар глобаллашуви шароитида шахс, миллат, жамият, давлатни хилма-хил шаклларда намоён бўладиган ғоявий кураш ва тажовузлар таъсиридан ҳимоялаш, содда қилиб айтганда, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, инсон манфаатларига, гуманизмга, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш нуқтаи назаридан ҳам мухимдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири ҳам гуманизм ғояларини жамият миқёсида кенг тарқатиш ва амалга оширишга қаратилгани бежиз эмас.

### АДАБИЁТЛАР:

- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - 592 бет
- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. - 400 бет
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – 456 бет
- Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси комуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 920 бет
- Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавсизлик. - Тошкент: “O’zbekiston”, 2015. – 456 бет

**РЕЗЮМЕ:**

Ушбу мақола янги Ўзбекистон жамиятининг ғоявий-мафкуравий соҳаларида рўй берадётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, маърифийлик, ғоя, миллий ғоя ва мафкура, янги Ўзбекистон, маънавий қадрияtlар, трансформация, гуманизм, инсонийлик

**РЕЗЮМЕ:**

В статье анализируется социально-философская сущность радикальных реформ, происходящих в духовно-идеологической сфере нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** духовность, просвещение, идея, национальная идея и идеология, новый Узбекистан, духовные ценности, трансформация, гуманизм, человечность.

**RESUME:**

The article analyzes the socio-philosophical essence of the radical reforms taking place in the spiritual and ideological sphere of the new Uzbekistan.

**Keywords:** spirituality, enlightenment, idea, national idea and ideology, new Uzbekistan, spiritual values, transformation, humanism, humanity.

<b>38. Мирзахмедов Х.А.</b>	<i>Ёшларда “одат”ланиши ахлоқи</i>	146
<b>39. Йроҳимов Ф.А.</b>	<i>Yevropa faylasuvlari ijodida begonalashuv masalasi</i>	150
<b>40. Ҳакимова М.А.</b>	<i>Жамоат ташкилотлари – ҳалқ манфаатлари йўлида</i>	154
<b>41. Ҳолмуродов Ф.</b>	<i>Инновацион жасамиятда ижтимоий шерикчилик омилиниң таҳлили</i>	158
<b>42. Ярбаев Х.Х.</b>	<i>Ахборотлашган жасамиятда баркамол авлод таълим-тарбияси</i>	162
<b>43. Утегенова Ж.Д.</b>	<i>Виртуал воқеъликнинг иерархик даражалари</i>	166
<b>44. Мамадиева Н.Х.</b>	<i>Миллий санъатимиизда ахлоқий ва эстетик гоялар уйғунлиги</i>	170
<b>45. Топилдиева М.Р.</b>	<i>Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юксалиши одимлари</i>	173
<b>46. Отабаев А.</b>	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаши даврида институционал янгиланишлар.</i>	176
<b>47. Закирова Д.Т.</b>	<i>Шаҳс ва жасамият маънавий омилини мустаҳкамлашда Ислом ахлоқий қадрияларининг аҳамияти</i>	180
<b>48. Норматов О.М.</b>	<i>Туркистон ўлкасида районлаштириши давридаги иқтисодий муносабатлар</i>	184
<b>49. Аиваров А.</b>	<i>Глобаллашув жараёнлари ва сиёсий маданият</i>	188
<b>50. Нарзуллаев О.С.</b>	<i>Ҳудудий ички ишлар органларида ахборот-таҳлилий иш ва уни тақомиллаштириши масалалари</i>	191
<b>51. Соқиев Х.В.</b>	<i>Глобаллашув шароитида ахборот трансформациясининг идентификацион жараёнларга таъсири</i>	196
<b>52. Равшанов О.</b>	<i>Ёшларга доир давлат сиёсатининг айрим жиҳатлари</i>	200
<b>53. Эркинов И.Э.</b>	<i>Электрон ҳуқумат тизимининг шаклланиши ва ривожланиши</i>	204
<b>54. Рахмонов Б.М.</b>	<i>Глобаллашув жараённида Марказий Осиё минтақаси этносиёсати</i>	209
<b>55. Исмайилов А.З., Холмүминов Ф. Б.</b>	<i>Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатчиликни барто этиши гоялари тарихи</i>	213
<b>56. Ахмедов А.</b>	<i>Рақамли иқтисодиётининг маънавий омилларини мустаҳкамлаш имкониятлари</i>	217
<b>57. Шарипов А.З.</b>	<i>Гуманизм гоясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	221
<b>58. Муқимов Б.</b>	<i>Маънавий ислоҳотлар мамлакат тараққиётни ва таълим ривожини таъминлашнинг муҳим омилидир</i>	225
<b>59. Улфатиллаева С.С.</b>	<i>Имом ал-Бухорий таълимотида аёллар билан боғлиқ ҳадисларнинг фалсафий герменевтик таҳлили</i>	229
<b>60. Афоризмлар</b>	<i>ФАЛСАФА: ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР (фалсафа фанлари доктори, профессор Ибодулла Эргашев)</i>	233